

Маъдан - Одинамухаммад Авазмухаммад ўгли (1762, хозирги Тожикистон Ашт тумани — 1838) — шоир. Камина тахаллуси билан шеърлар ёзган. Шеъриятдаги шухрати бутун Кўкон хонлигига таркалган. Мадалихон таклиф килганда, шоир саройга боришдан бош тортади. Маъдан шеърларидан девон тузган, бир канча шеърлари кўлёзма ва тошбосма баёзларда учрайди. Асарларининг аксарияти газал ва мухаммас жанрларида яратилган. Шеърларида инсон эрки, мухаббат улугланган. «Жоним» радифли мухаммасида мавжуд мухитдан норозилиги, «Кўргазгил менга» радифли газалида аламли, жафокаш дунёдан тўйганлиги, «гам тугёнида» гарк бўлаётганлиги ифодаланади. Шоирнинг «Понгоз» мухаммаси Махмурнииг «Хапалак» шеърига хамоханг килиб ёзилган.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Бода тут, сокий, рахи майхона кўргузгил манга,
Барки истигнойи ишрат ёна кўргузгил манга.

Чархдин ком истамак эрмас бани одамга курб,
Муттакойи ишкдин афсона кўргузгил манга.

Водийи хижрона чеккан ранждин ўлмам малулг
Сухбати чугз истарам вайрона кўргузгил манга.

То нузул ўлдум, кадахдин дайр аро бўлдум хумор
Сокиё, рахм айлагил паймона кўргузгил манга.

Катраи ашкимни тўфони жунунсоз айлагил,
Маърифат дарёсидин дурдона кўргузгил манга.

Шоми хижрон узра кўнглум зохири эрмиш хомуш,
Шохсори субхдин уйгона кўргузгил манга.

Хар қачон базм ахлидин катъи тааллук айларам,
Бори гамдин соғари риндона кўргузгил манга.

Ишкдур, Маъдан, рафиким вақти гам тугёнида,
Пайкарим урёни гам парвона кўргузгил манга.

* * *

Кўнгул уммиди чўх ул мохпайкар илтифотидин,

Карам йўхму гадоя бўсайи хуснинг закотидин.

Мени масрур этарсан чошни лаъли лабингдинким,
Хуш эрмас Хизра мухтож ўлдугум оби хаётидин.

Эрурким хар итобинг хиндулар тарёкидин аччиг,
Сўзунг лаззатлидур ул мисрилар канду наботидин.

Каломинг сирридин бир зарра рохибларга фош этсам,
Кечибон бутпарастлар, безилур лоту манотидин.

Юзунг кўргач дамодам жазбаи шавким бўлуб голиб,
Ёнар кўнглум куши парвона янглиг ўз високидин.

Сариг рухсорима хар дам кизориб онинг олидан,
Чикарман эл аро машрта айлаб эл уётидин.

Харидори матои ишкман хайрат дўконида,
Маломатлар бошимда, хижлати накди касотидин.

Битилди хар на максуд рокимима максадим, воиз,
Манго шарх этма зикри дўзахинг фикри бахотидин.

Керакмас хуру жаннат муддаодин ўзгага, Маъдан,
Муфассирлар демангиз равзаи ризвон сифотидин.

* * *

Авалло гам лойидин жисмимни ижод этти чарх,
Гамга хў килдим доги юз катла гамбод этти чарх.

Нола таъсир этмади туздум тазарруъ торини,
Ул тазарруъ узра юз минг зулму бедод этти чарх.

Бир неча агёрдин сирримни ихфо асрадим,
Эл аро расволигим тахрири бунёд этти чарх.

Талх комим ўлмаин Ширин мазоки лаълидин,
Хусрави Парвиздек.хасмимни Фарход этти чарх.

Шохиди жоми нишотим соз эди май базмидин,
Синдуруб май зарфини кўнглумни ношод этти чарх.

Кунда юз минг жабр ила зулм этмакин, эй дўстлар,
Билманам пўшида кимдин ўрганиб, ёд этти чарх.

Килди таъзирим менинг хуршеддек гардун аро,
Ўлдуруга вазъининг катлимга жаллод этти чарх.

Бул тириклик домидин бўлдим сиво, минг шукрим,
Ўлдуруб гам илкидин Маъданни озод этти чарх.

* * *

То хусумат рахшини дахр узра жавлон этти чарх,
Бевафолик расмини хубларга фармон этти чарх.

Ою кун, анжум, малак, сонсиз кавокиб хайлининг,
Изтироб ила фалак токинда сарсон этти чарх.

Кўк аро Иср тажарруд, ер уза овора Хизр,
Хар кими бир навъ мен янглиг паришон этти чарх.

Кўб фусун накшин чекиб хар дам сипехр айвонига,
Юз туман макри ила таклифи мехмон этти чарх.

Гўстариб хайрат бисотин тархи гардун узраким,
Шоми зулфин кўрсатур тун хуснини кон этти чарх.

Бода базмин таркатиб махфилим жамъиятин,
Лашкари андух ила торожу тугён этти чарх. <

Умр поёни видоъ этти сафар рахтин тузуб,
Бу фано бозоридин накдимни торож этти чарх.

Май чекиб дилдор ила жом эрди, Маъдан, улфатим
Ўт ёкуб майхонама ўтлуг найистон этти чарх.

* * *

Муанбар кокулингни мушк бирлан гола ёзмишлар,
Лабингга укдай кофурдин бутхола ёзмишлар.

Мукаддар муншилар арбоби хуснинг мусхафи узра
Тўлун ой жадвалига сунъ бирлан хола ёзмишлар.

Пари гулчехралар тумори тасхири алойикдур,
Фусун ахли киёмат насридин тимсола ёзмишлар.

На янглиг кона табдил ранг олибдур кифрикинг ўки,
Юраклар порасидин анга юз паркола ёзмишлар.

Эмасму мазхаби ишк ичра жойиз Кўхкан шавки,
Ки лавхи Бесутун сатрига тархи лола ёзмишлар.

Кўнгул пургам, юрак обила хамдам кўзда ёшим кон,
Санго хусну латофат, манга оху нола ёзмишлар.

Шаби охимдин онжок Маъдан ўлди тийра гардунким,
Сиришкимдин таки ким Шому Чинни ола ёзмишлар.

* * *

Мани афгор эданлар, кош, ман янглиг фигор ўлсун
Ки, фуркат бодасин сингон тараб жомига зор ўлсун.

Менинг махбуси зиндони маломат айлаганлар хам
Мазаллат туфрогина ёстониб хор ўлса хор ўлсун.

Чекиб ишратрабосин сукур ўлуб беҳуд ўланларга
Мудаккик дард берким, эл ичинда шармсор ўлсун.

Дегил ушшокаким мажзуби ишк ўлмиш будур чора,
Чикиб сахроя, Мажнун дафъидек бенангу ор ўлсун.

Туробимга кадам кўйгач тахаммул пеша килгилким
Мабодо хилъати нозинг губоримдин губор ўлсун.

Жахон маъмурасидин ўзга максуди муродим йўк,
Бошим фарши харими даргахи ул шахсувор ўлсун.

Залилу мустаманду хор деб, Маъданга таън этма,
Анга хижрон муборак, санга давлат пойдор ўлсун.

* * *

Чекиб катлимга саф ул хайли мужгонингга салламно,
Кўнгул шамъин ёрутгай, захми пайконингга салламно.

Вафо расмин тузуб, ношнолиг шевасин бузган,
Жатродин юз ўгурган ахду паймонингга салламно.

Жахон чун кулбаи аттор янглиг атрбез ўлди,
Абиромиз зулфи анбарафшонингга салламно.

Менинг Мажнун киби нокома инъоминг нисор этким,
Фалак шохи дегай рашк ила эхсонингга салламно.

Самодин то самакка партави хуснинг бўлуб ломиъ,
Бу кўзгу узра акси меҳри рухсорингга салламно.

Амирий гулшани назмида афгон айлаким Маъдан,
Дегай булбул навоу савтй илхонингга салламно.

* * *

Хар кимй илгида синган жом ила сахбоси бор:
Жоми Жам, миръоти Искандардин истигноси бор.

Бир мувофик бўлса ёри даҳр аро хар кимсани,
Лайлию Ширину Узродин қачон парвоси бор?!

Офтоби оразингдин бахрае, жоно, олур,
Ушбу олам ичра кимнинг дийдаи биноси бор.

Сокиё, кўрсат жамолинг аксини жом ичраким,
Хаста кўнглум илгида жон нақдидин барноси бор.

Кўхкан Ширина, Узросига Вомик фаҳр этар,
Ишк бозорида хар Кайсни бир Лайлоси бор.

Гам емам кофир кўзунг ўлдурса минг йўл не учун,
Лаъли жонбахшингда бил юз минг Масих анфоси бор

Даҳр махбубига, Маъдан, боғламас кўнгул не деб,
Бир пари-пайкар, куёш юзлук малак сиймоси бор.

* * *

Бахори хусни рухсоринг гулидин бўлмога тоза,
Бу кўнглум булбулининг нолишига йўқтур андоза,

Эрур юз пора кўнглум тори зулфунг ёдидин, ваҳким,
Магарким бу китоб ул ришта бирлан топти шероза.

Юзунг кўрган киши не ваҳхдин конлар ютар мандек,
Лни гар килмаса машшота ранги зулмдин тоза.

Жамии хўблар даъвоси ботил бўлди хуснингдин,
Баробар келмагандек сеҳрлар изхори эъжоза.

Эмасдур кўзларим кўрмак учун бул тан хисорига,
Кезиб фикринг чикарга жон эрур бу икки дарвоза.

Бу зулфу кўзу кошингни таманносида хар соат,
Жафолар тўрт ёндиндур манга бехадду андоза.

Жарасдек нола килсам, айб килманглар мани Мажнун
Ки, эй Лайливашим, чексам агар хар сори хамёза.

Не тонг, ўртанса жоним шамъ ўтига шавкдин хар тун,
Эрур то халк аро, эй бевафо, хуснингдин овоза.

Мани бу Волаи шайдолигимга чекмагай таъна,
Киши бир катла кўз солса агар ул хусни навтоза.

* * *

Кетиб ул шўх, кетмиш жисмдин жоним сўрог узра,
Магар мушкин хатингдин нафхае етмиш думог узра.

Машомимга сабо гар накхате келтурса, тонг эрмас,
Паризодим тарармиш сунбули зулфин тарог узра.

Менинг катл айлагач чугзи адулар катл комидин,
Талошур итлари конимни кўргач итялог узра.

Дедим, ўлдур, менинг конлиг-бошим йўлунгда помол эт
Ярошукдур менинг конимга гул лаълинг дудог узра.

Дема хеч кимга зулм этмоди Маъдан дахри зулмоний,
Нагу Фарходнинг таъзир этиб ўлдурди тог узра?

* * *

Оразинг фикри била гулзор аро бемор гул,
Септи шабнамдин юзига сув магар афгор гул,

Сайри гулзор айладим гўё кўруб акои рухинг,
Элга олмиш мушти зар килмок учун исор гул.

Хар бахор истаб насиминг васлидин юз тил била
Айламиш хар бир нидо ахлидин истифсор гул.

Гашти гулзор айласанг, кел дийдам узра, эй санам,
Бермасун ногах кафи пойингга бир озор гул.

Огзингу кўзунг хаёли бирла фикр айлаб юзунг,
Гунча кон юттию наргис бўлди бемикдор, гул.

Айламиш боди сабо ул дам сазовори хазрн,
Оразингдин лахзаи ким айласа изхор гул.

Заррае хуршид рухсорингни рахшон айладинг,
Халк аро Маъдан киби бўлгай адам гуфтор гул.

* * *

Суюнгил, эй кўнгулким, даври ишрат жом келтурмиш,
Гам ўлди мунфаилким, шодлик пайгом келтурмиш.

Куюн янглиг жунун даштида сарсон ўлма, эй кўнгул,
Сабо ул гулшани фирдавсидин инъом келтурмиш.

Зулайхо имтисолим Мисри давлат узра шод ўлким,
Бугун солори бахтим Юсуфи гулфом келтурмиш.

Куёшдек оразингдин накхати субхи саодатким,
Кўнгул беҳудлигин тарк айлагон ором келтурмиш.

Казо сайёди, олам косасидан вокиф ўл, Маъдан,
Сенга бир донаи максуд бирлан дом келтурмиш,

* * *

На мавзундир кўнгул богида зебо кадди шамшодинг.
Таолиллох, на соат бирла сонё килди ижодинг.

Согиндим кумри янглиг коматинг кўзлаб хиёбонлар
Ки, бўлмас хар каю мавжуда тушса сарви озодинг.

Паривашларга хуснинг лавхи таъвизи тагофулдур
Ки, махжубларга тумори жунундур хатти иршодинг.

Китоби оразинг ул саждаи меҳроби хат ўлмас,
Эрур зуҳходлар зикрнла урён шархи авродинг.

Сенга хирзи нафас вобастаи кайди таманнодир,
Биёбонларда Мажнун рогиби, тог узра Фарходинг.

Кўнгул сайд ўлди кўргач донаи холинг саводинким,
Кўйиб ул дона бирлан доми тазвир бўйла сайёдинг.

Итобу шеваи жавру жафо ўрганди сендин чарх
Ки, чарх устоди сансан, эй муаллим, кимдур устодинг?

Менинг хар кунда юз минг катла ўлмакдур фаолимким,
Менга ўлмак фароиз, сенга вожибдур бу муътодинг.

Халойик накди умри сарфи тугёни казо бўлса,
Эрур Маъдан шаҳиди гамза бирлан тиги бедодинг.

МУХАММАСЛАР

* * *

Замона бўлса охир кўп аломатлар чиқар дедим,
Чиқиб Дажжол ила Яъжуж бу оламини ютар дедим,
Улардин илгари хар шахра бир офат тегар дедим,
Бу юз ўттиз карокчи мулки Пангозни бузар, дедим,
Амон сакла, худоё, бу балодин алхазар дедим.

Силар давринда бўлмас ҳеч мушкил ишга осонлик,
Эру хотин аросинда бўлуб гавго паришонлик,
На богда богбон колди, на дехконларда дехконлик,
Бу юз ўттиз балога дафъ бўлмас хайру қурбонлик,
Худо сизларга берсун манзили нори сақар дедим.

Халойик килдилар дехкончилик, ман ҳам хавас килдим,
Ки гўё мурги жонимни гирифтори кафас килдим,
Карокчиларга учраб, хирманим донини хас килдим,
Ки мундин сўнгра шундай ишни килмоқликни бас килдим,
Силар хар қайсингизни турли офатдан батар дедим.

Хизрга учраб айттим: «Эй надими хазрати бори!
На бўлгай бир назар килсанг борибон хирманим сори,
Анга ёлбордим килдим тавалло нолаю зори,
Хизр бориб назар солди самонга колди дон нори,
Кудуминг тегса хар ер сабз бўлгай пурсамар, дедим.

Баногоҳ бўлди пайдо учта бедоди падарлаънат,
Хизр кочди улардин килмади хирман сари рағбат.
Кўзим очсам, кани Хизру кани хирман, кани баркат,
Касофат шумлугидин текгуси хар ерга бир офат,
Бу бадхўликларидин хар балога йўлиқар, дедим.

Кел, эй Маъдан, курук най бўлма, хамчун найшақар бўлгил,
Булар бўлди худодин беҳабар, сен боҳабар бўлгил,
Ямонлардин кочиб сен яхшиларга хамсафар бўлгил,
Қарилик вақтида қаддингни букма, шери нар бўлгил,
Ямонлардин фано бергил, худоё, алхазар дедим.

* * *

Кима шўри жунундин ранжи нуксон ўлмасун, ёраб,
Ман ўлдум гам асирй хеч инсон ўлмасун, ёраб,
Боши чархи фалак гўйинда чавгон ўлмасун, ёраб,
Куюндек гам биёбонида сарсон ўлмасун, ёраб,
Гарики бахри хайрат махзи хижрон ўлмасун, ёраб,

Бу фоний дахр аро эл кўрмаган меҳнатни ман кўрдум⁸
На тамкини фарогат, на халовоти ватацжўрдум,
На сайри лолау богу тамошойи ватан кўрдум,
На гулгашти биёбон, накхати ранги суман кўрдум,
Наким багрида мандек доги хижрон ўлмасун, ёраб.

Гули боги нишотим сўла ўхшар дахр богинда,
Ки кумри гул якосин ёзадурмиш давр оёгинда,
Топиб, анжок зиёе яъс кулбам гам чарогинда,
Кетиб аклим маним оворадур кўнГ лум сўрогинда,
Каю инсон бу янглиг зору хайрон ўлмасун, ёраб.

Солиб меҳри фалак жонимга юз махшар аломоти,
Каён борсам бошимдин кам эмасдур гам балиёти,
Манга хар навъ даврон кўрсатур ранги адовоти,
Туганмас заррае бир умр гар кйлсам шикоёти,
Наким мандек Катили тиги хижрон ўлмасун, ёраб.

Фалак вожун, замон ахли забун, шох илтифоти кам,
Таним мажрух, хижрон ханжари дил чокина мархам,
Маконим кўхи меҳнат, хамдаим — оху, рафиким — гам,
На маъкуле мукаррар мазраи ризким уза маркам,
Маишат оз, мунча гам фаровон ўлмасун, ёраб.

Мани атвори зиштим айлагач дун ахлига мухтож,
Шукухи фитратим мулки тамаъдин бўлмади ихрож,
Келанда шомии фуркат бўлди айёми тараб торож,
Кани охи муассир фатх уйина ёнгали минхож,
Ки мифтохи ижобат лавхн пинхон ўлмасун, ёраб...

Машаккат чўх, фарогат йўх, алам беҳад, фиғон афзун,
Ичим гамлик, юрак доглик, юзим сорик, кўзим пурхун,
Тунум зулмат, кунум меҳнат, бошим чарх узра чун . гардун,
Килур нафрин бу янглиг иззатимга Вомику Мажнун,
Жафо хар канча мушкил менга осон ўлмасун, ёраб.

Куйиб кул бўлди хижрон шамъидек эжод ўлуб Маъдан,
Фано бўлгач совурди ахгарин гамбод ўлуб Маъдан,

Халоват жомидин шод ўлмади дилшод ўлўб Маъдан,
Казо жомин ушотти журъати Фарход ўлуб Маъдан,
Бу расволигда багрим лоладек кон ўлмасун, ёраб.

* * *

Бу гулшан сайридин келдим алимда гулзорим йўх,
Гамим гам тогидин ошти, гамим айтурга ёрим йўх,
Жунун даштида Мажнунам манам, Лайли нигорим йўх,
Маломат тоши ёгдурди бошимга нангу орим йўх,
Ажаб ошуфта ахволамки жузве ихтиёрим йўх.

Манга, эй мухтасиб, таъзир этма эхтисобингдин,
Санинг бу эхтисобинг ман хам ўртандим китобингдин,
Сўрарсан хар дакойик, ожиз эрмасман жавобингдин,
Манга арз айлама Мансурдек дори танобингдин,
Лналхак риштаси бўйнуздадур, парвойи дорим йўх.

Имоми ишка килдим иктидо тарки сужуд айлаб,
Зарарга кўнгул олдурдим сувои нафъи суд айлаб,
Мугон дайрига юзландим, доги катъи шухуд айлаб,
Мано ўлдум, йўх ўлдум, нафъи исботи вужуд айлаб,
Манга таън айлама, эй зохида, зухдингга корим йўх.

Харобот ичра кирдим, риндлар базмин талош эттим,
Ўзим расволигим билди^дим, сирримни фош эттим.
Ичиб май зарфини, багрим эзиб, коним маош эттим.
Кўнгул хунобасин кўздин т-ўкуб ёш узра ёш эттим,
Гараз бу инфилоли зишти атворимга ворим йўх.

Туганмас заррае хар канча изхори алам килсам,
Хуш улким ўз-ўза ўт ёксаму жисмимни кул килсам,
Самандардек куйиб кул бўлсаму сайри адам килсам,
Сазовор улки Яъкуби хазиндек хўйи гам килсам
Ки, Юсуф талъатим васлингга етмак ифтихорим йўх.

Насойихлар макомин кездиму кўнглумни тиндурдим,
На воизларга мухтор ўлдуму илгимни топширдим.
Риёйи шайхлардин бездиму паймона синдурдим,
Кириб бебоклар динига байъатнома еткурдум,
Куюндек телбалик даштида сарсонман, губорим йўх.

Жунун кайфиятин бехудлйгимдин имтиёз эттим,
Хакикат нашъасидин чектиму тарки мажоз эттим,
Тагофил шевасин кўргузди дунё анга ноз эттим,
На янглиг мазхаби бутлон экан деб эхтироз эттим,

Таваккал килдиму ўтга ёкилдим, фикри норим йўх.

Мани махзуну урён, бодаи жомии нишот эрмиш,
Доги хар мисраим сармои базми бисотэрмиш,
Анинг тахрир этарга килки маъни ихтилот эрмиш,
Сўзум хар нуктасинда лаззати канду набот эрмиш,
Ки беидроклар фаҳмида, Маъдан, эътиборим йўх.

НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Букулган коматим хижрри элинда нотавон эрмиш,
Даги ошурфта кўнглум анжуман тигига кон эрмиш,
Бу гайратдин юрогим чок, рангим заъфарон эрмиш,
Менга номехрибон ёр, ўзгаларга мехрибон эрмиш,
Менинг жоним олиб агёрга ороми жон эрмиш.

Хаводис тошидин синди фалак жомии-аёғимни,
Казо овора килди андалиби нахли богимни,
Улус халки тополмас йўклубум истаб сўрогимни,
Тан узра эмди фаҳм эттим ададсиз тоза доғимни,
Ки ул хар бир кароргон доги хижрондин нишон эрмиш,

Кезиб гам водисин чекдим жафою жабру эмгаклар,
Жудолиг ўтига ёндим, куйиб кул бўлди сўнгаллар,
Тегиб фуркат ўки сўрох-сўрох бўлди кўкраклар,
Бузулгон кўнглум атрофидаги захм ичра новаклар
Балият кушларига захмлардан ошён эрмиш.

Кўзим ёши-окар тинмай дамодам ўлмаин таскин,
Нихоятсиз, ададсиз, хаддин эрмиш лоалол таъйин,
Менга сабр айла, деб саъй этма, эй шўхи жафоойин,
Ракибинг синдурур кўнглумни мен йиглаб анга лекин,
Сув келтирмок хамону кўза синдирмок хамон эрмиш.

Ўқуб тумори оҳим эл ани афсун соғинмишлар,
Маосирлар нишотимдин гамим афзун соғинмишлар,
Каломим Вомику Фархода бир мазмун соғинмишлар,
Менинг овора кўнглум доғини Мажнун соғинмишлар,
Жунун даштида юрган ман киби бехонумон эрмиш.

Сухан тугросин эрмиш осмон лавҳига сабт этган,
Табиат файзидур кавну макон лавҳига сабт этган,
Эрур, Маъдан, хаёлим имтихон лавҳига сабт этган,
Навоий назмини кўрдум, жаҳон лавҳига сабт этган,
Буюрган они олийкадр шоҳи хурдадон эрмиш.

